

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

## 2013 йил – Обод турмуш йили МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг йигирма йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган барча-барча ютуқ ва марралари,

унинг улкан суръатлар билан ўсиши аввало Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятини, унда мужассам бўлган принциплар, қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустақкам асосга эга эканини яққол намоён этишини алоҳида таъкидлади.

Шу кунларда халқимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 20 йиллигини кенг

нишонламоқда. Бу улуг айём мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг, бугунги ва келажак авлодларнинг тақдирига дахлдор.

Ҳар бир юртдошимиз, бутун халқимиз ҳаётидаги барча ўзгариш ва янгиланишлар, мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан дадил ривожланиб бораётгани Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқий асосларга қатъий амал қилиб келаётганимизнинг самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрамининг яна бир муҳим жиҳати, шу кун халқимиз, жамиятимизнинг орзу-интилишларини ифода этадиган, эртанги кунимизнинг равнақига хизмат қиладиган энг устувор йўналишлар белгилаб олинади.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 2012 йил Мустақкам оила йили деб эълон қилинган эди.

Бу борада ишлаб чиқилган Давлат дастури асосида оила институтини янада мустақкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбия-

лашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахтли яшаш учун келади, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. Бундай юксак орзуга етишнинг шарти ва гарови бўлган омиллар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиладиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашида яққол намоён бўлади.

Президентимиз Ислон Каримов кириб келаётган янги – 2013 йилни мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилишни таклиф этди. Давлатимиз раҳбарининг бу таклифи йиғилганлар томонидан гулдурос қарсақлар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

ЎЗА.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2012 йил 6 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлиснинг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджетини кўриб чиқишдан бошладилар. Мамлакатнинг бош молиявий ҳужжати макроиқтисодий мувозанатни ҳамда мамлакат иқтисодиёти юқори суръатларда ўсишини таъминлашга, диверсификация қилинган ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга, мамлакат аҳолисининг фаровонлигини ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилганлиги қайд этилди. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджети Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қўйилган вазифаларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан мамлакат ҳукуматининг 2012 йил 19 январдаги мажлисида

белгилаб берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг асосий устувор йўналишлари амалга оширилишини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган.

Сенаторлар ўтган йиллардаги каби, 2013 йилда ҳам солиқ сиёсати ҳўжалик юритувчи субъектларга ва аҳоли даромадларига тушадиган солиқ юқини янада камайтиришга, солиқ солиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилиги чораларини кучайтириш, солиқ солиш объектларини камайтириб кўрсатиш ва яшириш ҳолларига чек қўйиш йўли билан мамлакат иқтисодиётини янада модернизациялаш ва янгилаш учун қулай шароитлар яратишга йўналтирилишини кўрсатиб ўтдилар.

Аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш мақсадида келгуси йилда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг энг кам ставкаси бир фоиз бандига

камайтирилади, бу эса солиқ тўловчиларнинг ҳар қайси гуруҳидан олинadиган солиқнинг қисқаришини таъминлайди. Натижада жисмоний шахслар ихтиёрида қўшимча равишда 186 млрд сўмдан кўпроқ маблағ қолади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларга тушадиган солиқ юқини камайтириш учун йил бошидаги энг кам иш ҳақидан (энг кам иш ҳақи йил давомида ўзгаришидан қатъи назар) келиб чиққан ҳолда энг кам иш ҳақининг каррали миқдорларида ҳисобланадиган қатъий солиқ ставкаси белгиланмоқда.

2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорларини босқичма-босқич ошириш чораларини рўёбга чиқариш бўйича ишлар давом эттирилади, бу эса ўз

Қонунчиликдаги янгиликлар

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

2012 йил 16 ноябрь–7 декабрь даврида қабул қилинган, тақдим этилаётган, шунингдек бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



### АЛКОГОЛЬ САВДОСИ: МУДДАТ 1 АПРЕЛГАЧА УЗАЙТИРИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 30.11.2012 йилдаги 337-сон қарори билан ишлаб турган савдо объектларига илгари берилган рухсат гувоҳномаларига мувофиқ алкогольли, шунингдек тамаки маҳсулотлари билан чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун муддат 2013 йилнинг 1 апрелига қадар узайтирилди (илгари у 2012 йилнинг 1 октябригача белгиланган эди).

Эслатиб ўтамиз, «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида» (5.10.2011 йилдаги ЎРҚ–302-сон) Қонунни чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида амалга ошириш мақсадида алкогольли ва тамаки маҳсулотларини чакана сотувчи корхоналар 2012 йилнинг 1 октябрига қадар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келувчи янги жойларга кўчиши керак эди.

### ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРГА ДОИР ИМТИЁЗЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг қўшма қарори (АВ томонидан

2-бетда

2-бетда



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1-бетда

навбатида, аҳоли турмушининг сифати ва даромадлари ошиши учун шароитлар яратди. Умуман олганда, 2013 йилда ижтимоий соҳани молиялашга бюджет харажатларининг 59,2 фоизини ажратиш мўлжалланмоқда. Келгуси йилда соғлиқни сақлаш эҳтиёжларига барча бюджет маблағларининг 14,5 фоизи ажратилмоқда. Шу билан бир қаторда, Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан келгуси йилда жами 204 млрд сўмга 217 та умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ҳамда 164 та умумтаълим мактабини мукамал таъмирлаш назарда тутилмоқда, 159 та академик лицейни ва касб-хунар коллежини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашга 2013 йилда 129 млрд сўм ажратилади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш дастурини амалга оширишга, шунингдек, соғлиқни сақлаш муассасаларини энг янги лаборатория, диагностика ва даволаш уюқуналари, компьютер техникаси ва бошқа тиббиёт аппаратлари, ихтисослаштирилган мебель ва инвентарь билан таъминлаш ҳамда доимий равишда тизимли қайта жиҳозлашга 2013 йилда Жамғарма маблағлари ҳисобидан 312 млрд сўм ажратиш таклиф қилинмоқда. Хусусан, келгуси йилда ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан 7 600 ўринга эга бўлган ҳамда 5 800 нафар беморни қабул қилишга мўлжалланган 54 та туман тиббиёт бирлашмасини, 1500 ўринга эга бўлган ҳамда 300 нафар беморни қабул қилишга мўлжалланган вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларини, 400 ўринга эга бўлган 5 та сил касаллигига қарши диспансерни, 2 000 нафар беморни қабул қилишга мўлжалланган 32 та қишлоқ врачлик пунктини қуриш ва реконструкция қилиш назарда тутилмоқда.

Бюджет сиёсатида бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамнинг манзиллилигини кучайтириш, шунингдек, бюджетлараро муносабатлар тизимини янада ислоҳ қилиш бўйича маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллигини ҳамда даромадлар базасини кенгайтиришдан ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишдан манфаатдорлигини кучайтиришга қаратилган чоралар назарда тутилган.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги бюджет ва солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, Давлат бюджетининг параметрлари, умуман олганда, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида ислохотларни янада чуқурлаштириш, халқ фаровон-

лигини изчил ошириб боришнинг стратегик дастурига мослигини алоҳида таъкидладилар. Муҳокама яқунлари бўйича сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджетини тасдиқладилар ва тегишли қарор қабул қилдилар.

Сенаторлар «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек, солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Қонун 2013 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатининг концепциясига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларини ижро этиш юзасидан тайёрланган.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларининг фаолияти учун, жумладан, ҳисоботларни қисқартириш ҳамда ҳисобот ва уни тақдим этиш тартибини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва ҳўжалик юритувчи субъектларга тушадиган солиқ юкини янада камайтириш йўли билан, ғоят қулай шароитлар яратади.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг қатор хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Кўриб чиқилган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тегишли қарорлар қабул қилди.

Сенатнинг икки кунлик мажлиси давомида 20 та масала, шу жумладан демократик ислохотларни босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштиришга ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган 8 та қонун кўриб чиқилди. Уларнинг рўёбга чиқарилиши аҳолининг турмуш даражасини, мамлакатимизда барқарорлик ва фаровонлиқни янада оширишнинг қудратли омили бўлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
Матбуот хизмати.**

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

4.12.2012 йилда 2312-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди.

Энг аввало, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналарга тақдим этиладиган имтиёзлар татбиқ этиладиган иқтисодий тармоқлари рўйхати кенгайтирилди. Радио-электрон саноати, енгил саноат, табиий чарм ишлаб чиқариш ва бошқаларга шунингдек қадоклаш материалларини ишлаб чиқариш, муқобил энергия манбалари негизда электр станциялари қуриш, нефть-кимё саноати ва бошқалардан иборат жами 10 дан ортиқ тармоқ қўшилди.

Солиқ имтиёзлари қўлланиладиган шартларга ўзгартиришлар киритилган бўлиб, энди уларни қўллаш учун корхоналарни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқари республикамизнинг бошқа барча шаҳарлари ва қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш етарли. Бундан олдин корхона ортиқча ишчи кучи бўлган минтақалар – Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштирилиши керак бўлган.

Корхоналарнинг устав капиталидаги хорижий иштирокчилар улушининг миқдори 50 фоиздан 33 фоизгача камайтирилди.

Корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни киритиш талаби бекор қилинди.

Кўрсатиб ўтилган имтиёзларнинг қўлланилиши муддати давомида улардан олинган даромаднинг бир қисми – камида 50 фоизи – корхонани янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтирилиши белгиланди. Эслатиб ўтамиз, бундан олдин корхонани янада ривожлантириш мақсадида жами даромад қайта инвестициялашга йўналтирилган.

Ўзгартиришларга мувофиқ, имтиёзлардан фойдаланувчи корхонада имтиёзларни қўллаш даврида киритилган тўғридан-тўғри хусусий инвестициялар суммаси камаймаган ҳолда хорижий инвесторнинг улуши корхонанинг устав фондида 50 фоиздан камайса, шунингдек Низомда белгиланган бошқа талабларга мувофиқлиги сақланса, бундай корхоналар учун имтиёзларнинг амал қилиши сақланади.

2012 йил 14 декабрдан кучга кирди.

## ОМОНАТЧИЛАР ИСТАЛГАН БАНК ФИЛИАЛИДАН ОМОНАТ ПУЛЛАРИНИ ОЛИШЛАРИ МУМКИН

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 16.11.2012 йилда 2205-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Энди омонатчилар ҳисобрақамларда жойлашган ўз омонатларини нафақат дастлабки омонатни қабул қилган банк филиалидан, балки жойлашган жойидан қатъи назар, шу банкнинг бошқа барча филиалларидан ўзларининг биринчи талабига кўра нақд пул маблағларини чекланмаган тарзда олишлари мумкин. Бунинг учун омонатчи тегишли филиал раҳбари номига ёзма равишда ариза билан мурожаат қилади. Аризада ҳисобрақамни очган банк филиали, омонат миқдори, муддати, фоизлари ҳамда олинадиган омонат суммаси кўрсатилади. Ҳужжатда кўрсатилишича, банк филиали раҳбари аризани дарҳол кўриб чиқиши ҳақида аризага ўз резолюциясини қўйган ҳолда ижро учун омонат бўлинмасига бериши керак. Омонатчи назоратчи шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ва омонат дафтарчасини кўрсатиши керак. Назоратчи ва кассир томонидан маълумотлар тўғрилиги текширилгандан сўнг тегишли маблағ омонатчига берилади.

Аниқлаштирилишича, бир марталик операция амалга оширилганда омонатчиларнинг шахсий ҳисобрақамлари омонат дафтарчаси берилмаган ҳолда ҳам очилиши мумкин. Бундан ташқари, пул маблағлари қонун ҳужжатларига мувофиқ нақд пулсиз шаклда омонатчининг шахсий ҳисобрақамига келиб тушган ҳолларда ҳам, пул маблағлари аризада кўрсатилган ҳисобрақамга омонат дафтарчаси расмийлаштирилмаган ҳолда ўтказилиши ёки нақд пулда тўлаб берилиши мумкин.

Омонатчи омонат қолдиғи, ким-чиқим операциялари, омонат муддатининг тугаш вақти ва омонат бўйича бошқа зарур маълумотларни «SMS-банкнинг» дастуридан фойдаланган ҳолда мобил алоқа телефони ёки омонатчига берилган алоҳида идентификация рақами, логин ва пароль ёрдамида ўрнатилган инфокиоскалар ёки тадбиркорлар хонасидаги компьютерга ўрнатилган махсус дастур ёхуд банкнинг веб-сайти орқали очилган шахсий кабинетларига кириб олиши мумкин.

2012 йил 26 ноябрдан кучга кирди.

**Тақдим этиладиган  
ҳужжатларни  
Сардор ЖУМАШОВ тайёрлади.**

УШБУ СОНДА:

### ✓ УСТУВОРЛИКЛАР

– Мамлакатимиз тараққиётининг ҳуқуқий асоси  
– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот

### ✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Узрли «прогул»  
– Ярим ставкада ишлаш  
– Меҳнат дафтарчаси ходимга вақтинча берилса  
– Кассада ортиқча пулнинг бўлиши ишдан бўшатиш учун асос бўладими?

3, 4-5-бетлар

### ✓ ЮРИДИК МАСЛАХАТЛАР

– Ўғлим сафарбарлик хизматига чақирилди

### ✓ СИЗНИНГ АДВОКАТИНГИЗ

– Корхонада шанбалик ўтказилганда  
– Ишдан бўшатиш сабабларига боғлиқ  
– Тошкентга келсангиз – участка инспекторига учрашинг  
– Истеъмолчи эътиборига  
– Истеъмолчи ҳуқуқи – доимий ҳимояда  
– Сотувчи пластик карточкангиздан кўпроқ пул ушлаб қолса  
– Мухр бўлиши керак!

8-бет

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат    | Сана       | АҚШ доллари |         | Евро    |          | Россия рубли |          |
|-------------|------------|-------------|---------|---------|----------|--------------|----------|
|             |            | бирлиги     | курси   | бирлиги | курси    | бирлиги      | курси    |
| Озарбайжон  | 6.12.2012  | 1           | 0,7848  | 1       | 1,0246   | 1            | 0,0255   |
| Арманистон  | 10.12.2012 | 1           | 407,13  | 1       | 525,12   | 1            | 13,17    |
| Беларусь    | 6.12.2012  | 1           | 8590,00 | 1       | 11260,00 | 1            | 278,50   |
| Грузия      | 6.12.2012  | 1           | 1,6635  | 1       | 2,1767   | 1            | 5,3969   |
| Қозоғистон  | 7.12.2012  | 1           | 150,31  | 1       | 196,40   | 1            | 4,87     |
| Қирғизистон | 6.12.2012  | 1           | 47,38   | 1       | 62,146   | 1            | 1,5371   |
| Латвия      | 6.12.2012  | 1           | 0,536   | 1       | 0,702804 | 1            | 0,0174   |
| Литва       | 6.12.2012  | 1           | 2,6325  | 1       | 3,4528   | 10           | 8,5411   |
| Молдова     | 6.12.2012  | 1           | 12,3061 | 1       | 16,0969  | 1            | 0,3994   |
| Тожикистон  | 6.12.2012  | 1           | 4,7708  | 1       | 6,1184   | 1            | 0,1552   |
| Ўзбекистон  | 11.12.2012 | 1           | 1976,44 | 1       | 2580,34  | 1            | 63,82    |
| Украина     | 6.12.2012  | 100         | 799,30  | 100     | 1044,286 | 10           | 2,5932   |
| Эстония     | 31.12.2010 | 1           | 11,7107 | 1       | 15,6466  | 1            | 0,383246 |
| Россия      | 6.12.2012  | 1           | 30,9670 | 1       | 40,1270  | -            | -        |

Манба: www.prime-tass.ru



## УЗРЛИ «ПРОГУЛ»

**Корхонамиз офис-менежери 6 сентябрда ишга чиқмади. Эртасига хусусий тиббий клиника берган маълумотномани олиб келди, унда кўрсатилган касаллик ташхисига кўра у кўрсатилган кунда беморлиги туфайли ишлай олмаган.**

**Биз унинг ишда бўлмаганлигини қандай расмийлаштира оламиз? 2012 йилнинг 6 сентябри учун мазкур ходимга ҳақ тўлаш мумкинми?**

Кадрлар бўлими.

– Меҳнат кодекси (бундан кейин – МК) 176-моддасининг талабларига мувофиқ ходим Ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилиши шарт. Мазкур Қоидаларда, Қоидалар бўлмаган тақдирда – ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув бўйича (одатда меҳнат шартномасида) бошқа нарсалар қаторида иш вақти режими<sup>1</sup> (кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати, ишнинг бошла-

ниш ва тугаш вақти, ишдаги танаффуслар вақти, сутка давомидаги сменалар сони, иш кунлари ҳамда ишланмайдиган кунларнинг навбат билан алмашиниши, ходимларнинг сменадан сменага ўтиш тартиби) белгиланади. Ходимнинг ишда бўлмаслиги иш вақти режимида риоя этмаслик ҳисобланиши мумкин. Ходимнинг иш вақтида корхона ҳудудидан ёки унга берилган вазифани бажариши ло-

зим бўлган объект ҳудудидан ташқарида бўлиши иш жойида бўлмаслик деб тушунилади<sup>2</sup>. Бунда иш берувчининг ходимнинг ишда бўлмаслиги ҳақиқий сабабини аниқлаш муҳим. Агар сабаб узрли деб топилмаса, бунга прогул деб қараш мумкин. Ишда узрли сабабларга кўра бўлмаслик прогул деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Келтирилган саволдан кўринадик, ходим ишда узрли сабаб билан бўлмаган, буни хусусий тиббий клиника берган маълумотнома исботлайди. Шу сабабли офис-менежернинг узрли сабабларга кўра ишда бўлмаганлиги далили қайд этиладиган буйруқ (фармойиш) чиқарилиши мақсадга мувофиқдир.

Касаллик даврига ҳақ (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси) тўлаш учун асос бўлиб белгиланган тартибда берилган касаллик варақаси (меҳнатга қобилиятсизлик варақаси) ҳисобланишини<sup>3</sup> инобатга олиб, 2012 йилнинг 6 сентябрь кунига ҳақ тўламайди, бу ҳақда ишга чиқмаганлик тўғрисидаги буйруқда (фармойишда) тегишли ёзув қайд этилиши керак.

## ЯРИМ СТАВКАДА ИШЛАШ

**Мени тиббий муассасага бўш турган лавозимга ярим ставкада ишлашга қабул қилишди. Ўз меҳнат дафтарчамни олиб келдим. Ушбу ёзувни меҳнат дафтарчамга қайд этишадими?**

А.Эргашев, шифокор.

– Ташвишланишингизга ҳолат йўқ. Сиз ишга қабул қилиш чоғида ўз меҳнат дафтарчангизни тақдим этганингиз боис, ушбу ташкилот сиз учун асосий иш жойи бўлиб, МКнинг 81-моддасига мувофиқ **иш берувчи сизнинг меҳнат дафтарчангизни юритиши шарт.**

МК 119-моддасининг биринчи қисмига кўра ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан **ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш кунни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.** Ушбу шарт албатта меҳнат шартномасида ва ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда кўрсатилиши керак.

Ишга қабул қилиш ҳақидаги ёзув амалда иш берувчининг буйруғи (фармойиши)дан қисқа кўчирма ҳисобланади, унда ходим қандай таркибий бўлинмага ва қандай лавозимга (қандай касб, ихтисослик бўйича) қабул қилинганлиги кўрсатилиши керак (Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқноманинг\* 2.12-банди, бундан кейин – Йўриқнома). Айтиш ўрнига буйруққа аниқ мувофиқ бўлиши керак. Шахсий таркиб бўйича буйруқдан

(фармойишдан) бошқа маълумотлар ходимнинг меҳнат дафтарчасига киритилмайди.

Масалан, меҳнат дафтарчасида ходимнинг тўлиқсиз иш вақти шартларида ёки синов муддати билан қабул қилинаётганлиги далили, шунингдек меҳнат шартномаси муддати қайд этилмайди.

Шу тариқа, 3-устунда «... бўлимига... лавозимига (касби, ихтисослиги бўйича) қабул қилинди» деган одатдаги ёзув қайд этилади. 4-устунда эса қандай ҳужжат асосида ёзув қайд этилганлиги (санаси, тартиб рақами) кўрсатилади (Йўриқнома 2.12-бандининг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари).

Шуни эслатиш зарурки, тўлиқсиз иш вақти шарт билан ишлаш **ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон-бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади** (МК 119-моддасининг учинчи қисми).

**Абдусалом РИҚУЛЛАЕВ,**  
эксперт-юристимиз.

\*Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

## ХОҲИШЛАР МОС ТУШГАНДА

**Мен реклама агентлигида мутахассис бўлиб ишлаганман. Ўзим учун янада фойдалироқ шарт-шароитларга эга бўлган иш топганим боис икки ҳафта олдин ўз хоҳишим бўйича ишдан бўшаш тўғрисида ариза бердим. Бироқ мен билан меҳнат шартномасини тарафларнинг келишуви бўйича бекор қилишди. Маъмурият тўғри йўл тутганими? Ўз хоҳишим билан ишдан бўшаш билан тарафларнинг келишуви бўйича бўшаш ўртасида қандай фарқ бор?**

Раиса.

– Меҳнат шартномасини тарафларнинг келишувига кўра бекор қилиш, МК 97-моддасининг 1-бандига кўра, мустақил асос ҳисобланади. Бунда тарафларнинг келишувига кўра меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда уларнинг амал қилиш муддати мобайнида бекор қилиниши мумкин.

Меҳнат шартномасини тарафларнинг келишувига кўра бекор қилишнинг муҳим шарти бўлиб ходим ва иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор қилишга розилиги ҳисобланади. Ушбу шарт меҳнат шартномасини мазкур асосга кўра бекор қилишни ходимнинг ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишдан тубдан фарқлайди. Меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббусига кўра бекор қилинганда (МКнинг 99-моддаси) ходимнинг хоҳишигина етарлидир.

Меҳнат шартномасини тарафларнинг келишуви бўйича бекор қилиш таклифи ходимдан ҳам, иш берувчидан ҳам чиқиши мумкин.

Меҳнат шартномаси МК 97-моддасининг 1-бандига кўра бекор қилинганда меҳнат шартномаси тарафларининг ҳар бири бошқа тарафнинг таклифига қўшилмаслиги ва мазкур асос бўйича уни бекор қилишни рад этиши мумкин. Ходим ўз хоҳиши бўйича ишдан бўшаганда иш берувчининг розилиги ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмайди.

Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, меҳнат шартномасини бекор қилиш санаси ҳам ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув бўйича белгиланади. МКнинг 99-моддаси бўйича ишдан бўшаган ҳолда эса уни бекор қилиш санаси бўлиб ходим аризасида кўрсатилган огоҳлантириш муддатининг тугаш санаси ҳисобланади.

Юқорида келтирилган фарқларни ҳисобга олиб, шундай ҳулосага келиш мумкинки, сиз билан меҳнат шартномаси тарафларнинг келишуви бўйича ноқонуний равишда бекор қилинган. Шу сабабли МКнинг 269-моддасига асосан сиз фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга меҳнат шартномасини бекор қилиш асосининг формулировкасини МК 97-моддасининг 1-бандидан (тарафларнинг келишувига кўра) МКнинг 99-моддасига (ходимнинг ташаббуси бўйича) ўзгартириш даъвоси билан мурожаат қилишга ҳақлисиз.

Бироқ, агар тарафлар келишишса ва ўзаро эътирозлар бўлмаса, ҳаммасини ўзгартиришсиз қолдириш мумкин – зеро меҳнат дафтарчасида асос ҳам, модданинг рақами ҳам кўрсатилмайди.

Павел СИЛЬНОВ, адвокат.

## Эълонлар

## СОТИЛАДИ

Куйи частота кучайтиргичи, тўлиқ, «Амфитон»-002 стерео, ҳар бири 25 Ватт бўлган иккита акустик тизимлар билан (фойдаланишда бўлган). Тел. (+998 90) 901-72-41.

Ташкилот 2008 йилда ишлаб чиқарилган, қора рангли, 12 500 км йўл босган «Toyota Prado» автомобилни сотмоқда. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: (+998 94) 429-67-16, 252-71-22.

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)\*. Тел.: 926-32-23.

## ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

«ASR ADVOKATI» адвокатлик бюроси куйидаги хизматларни кўрсатади: исталган мураккабликдаги ҳужалик низолари, жиноят ишлари, дебиторлик қарзларини ундириш\*. Тел.: (+998 90) 989-19-07, (8 371) 242-46-23.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр\*. Тел. (+998 90) 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш\*. Тел.: 281-52-39, (+998 90) 346-16-89.

## ХИЗМАТЛАР

Инвентаризация. Бухгалтерия ҳисоби. Кузатув. Таъсисчилар.

Кўчмас мулк. Очиш. Тугатиш. Тел. 806-28-46; факс 278-11-66. E-mail: 49koshelev@mail.ru

Дарвозалар, тўсиқлар, панжараларни жимжимадор қилиб яша. Арзон. www.golden-kovka.uz. Тел. (+998 90) 955-68-02.

Сервис маркази. Принтерлар, компьютерлар, мониторларни таъмирлаш, картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел. 996-77-87.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

\*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.


## Реклама

**“AMIR-AUDIT” МЧЖ**  
аудиторлик ташкилоти  
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия,  
ЎЗР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

**Ўзбекистон Республикасидаги барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказилади**

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш  
Тел.: (+99890) 187-04-68, (+99894) 644-62-23, 296-55-78; факс (8371) 296-52-15





## Ўғлим сафарбарлик хизматига чақирилди

**Ўғлим институтда контракт асосида ўқийди. Бироқ, ҳарбий комиссариатга олий ўқув юртида ўқиши тўғрисида маълумотнома тақдим этилганига қарамай, уни чақириб, сафарбарлик қақирув захирасида хизмат ўташни таклиф қилишди, бу ҳақда шартнома тузилди, унга кўра биз белгиланган бадални ўтказишимиз керак эди.**

**Бироқ биз шартномада кўрсатилган суммани тўплай олмадик, бизни ушбу маблағни тўлашга мажбур қилишлари тўғрими ёки ушбу шартномани бекор қилиш мумкинми? Ўқиши тугагандан кейин ўғлим ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга бориш ниятида.**

**Б.Ақбаров. Андижон шаҳри.**

– Ўғлингиз кундузи ўқувчи олий ўқув юртининг талабаси ҳисобланади, бу эса муддатли ҳарбий хизматга қақириб ёки сафарбарлик қақирув захирасидаги хизмат муддатини кечиктириш учун асос беради. Умумий қоидаларга кўра қақирилувчиларга туман (шаҳар) қақирув комиссиясининг оилавий ҳолатлар, соғлиқнинг аҳоли, таълими давом эттириш бўйича қарорига биноан муддатни кечиктириш ҳуқуқи берилади («Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддаси, бундан кейин – Қонун). Шу сабабли туманингиз мудофаа ишлари бўлими (ҳарбий комиссариат) уни сафарбар-

**лик захирасига қақириб ҳамда шартнома тузиш ва пул бадалларини тўлашга мажбур этишга ҳақли эмас эди деб ҳисоблаймиз, чунки ҳарбий хизматнинг ушбу турини 18–27 ёшдаги, муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли, муддатни кечиктириш ва ундан озод этишга ҳуқуқи бўлмаган, бироқ навбатдаги қақириб давомида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий Кучларида ҳақиқий муддатли хизматга қақирилмаган шахслар ўтайдилар.**

Бундай қақирилувчилар тиббий кўрик ва суҳбатдан ўтадилар, уларнинг натижалари бўйича хулоса чиқарилади, ушбу хуло-

сага асосан улар билан ҳукумат томонидан белгиланган миқдорда Молия вазирлигининг махсус ҳисобрақамига пул бадали тўлаш тўғрисида шартнома имзоланади. Бундан ташқари, хизмат даврида ҳарбий қисм ҳудудида бир марталик ойлик ҳарбий йиғинлардан ўтиш зарур (Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик қақириви резервида хизматни ўташи тартиби тўғрисидаги низом<sup>1</sup>, бундан кейин – Низом).

Мудофаа вазирлиги билан қақирилувчи ўртасидаги муносабатлар кўрсатилган шартноманинг қоидаларига мувофиқ ўрнатилиши керак, унда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бажариш муддатлари, бадаллар тўлаш таркиби ва жавобгарлиги назарда тутилади. Бундай шартноманинг яна бир иштирокчиси қақирилувчининг қафили бўлади, одатда ота-онасининг бири ёхуд қақирилувчи ёки ота-онаси ишлаётган ташкилот унинг қафили бўлиши мумкин. Бунда шартнома нотариал тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга киради, унинг 1 нусхаси нотариал идорада сақланиши керак (Молия вазирлигининг «Сафарбарлик қақириви резерви маблағ-

лари» махсус ҳисобрақамига бадал ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий шартнома<sup>2</sup>).

Шартномада Қонун ва Низом қоидаларининг талабларини бажариш бўйича қақирилувчи билан Мудофаа вазирлиги ўртасидаги барча келишмовчиликлар суд тартибида кўрилиши ва ҳал қилиниши назарда тутилади. Агар пул бадали бўйича қарз ҳосил бўлса, ушбу боқимонда ҳам шу тарзда ундирилади. Агар бадалнинг тўлиқ суммаси шартномада белгиланган муддатда ўтказилмаган ёки тўлаш муддати 6 ойдан кўпга чўзилган бўлса, фуқаро муддатли ҳарбий хизматга қақирилиши мумкин. Бунда у тўлаган бадал суммасининг бир қисми қайтарилмайди. Бунинг устига, шартнома тузишдан бош тортган тақдирда сафарбарлик захирасида хизмат қилиши керак бўлган қақирилувчидан махсус ҳисобрақамга қайд этилиши керак бўлган пул бадаллари суд тартибида ундирилиши мумкин. Агар қақирилувчининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддатни кечиктириш ва муддатли ҳарбий хизматдан озод қилиш ҳуқуқи бўлмаса, шунга қарамай у хизматни ўташ учун тўғри келмаса ҳам, шундай қилиниши мумкин. Муддатли ҳарбий хизматга жисмоний ва ақлий жиҳатдан энг яхши тайёрланган қақирилувчилар танлаб олинади (Низомнинг 4-банди).

Сизнинг ҳолатингизда туман мудофаа ишлари бўлимининг ҳаракатлари устидан фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга шартномани ҳақиқий эмас деб топиш даъвоси билан шикоят қилиш лозим деб ҳисоблаймиз, чунки сизни белгиланган тартибни бузган ва муддатни кечиктириш ҳуқуқингиз мавжуд бўлган ҳолда уни тузишга мажбур қилганлар. Ёки, судга мурожаат қилмасдан бадал тўлашнинг 6 ойлик муддатини ўтказиб юборганлигингиз боис, муддатни кечиктириш вақти тугагандан кейин муддатли ҳарбий хизматга қақирилшларини талаб қилишингиз керак.

Бироқ шуни ёдда тутингки, агар ўғлингиз бирор-бир кўрсаткичларга кўра муддатли хизматни ўташ учун тўғри келмаса, бироқ сафарбарлик захирасида хизмат қилишга яроқли бўлса, кўрсатилган Низом ва шартномага мувофиқ ҳарбий мажбуриятни бажаришга, бинобарин тегишли бадалларни ҳам тўлашга тўғри келади. Бунда шуни ҳисобга олганда лозимки, агар навбатдаги тўловни тўлаш пайтида тасдиқланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгарса, у ҳолда бадал энг кам ойлик иш ҳақининг янгида белгиланган миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади (Низом 2-бандининг иккинчи хатбошиси).

**Римма**

**СОЛОДОВНИКОВА,**  
**эксперт-юристимиз.**

### Кадрлар бўлими

**Кадрлар бўлими ходими ходим ишдан бўшамаган тақдирда унга меҳнат дафтарчасини бир неча кунга бериши мумкинми?**

**З.Қамолова. Тошкент шаҳри.**

## МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ ХОДИМГА ВАҚТИНЧА БЕРИЛСА

– 2012 йил 1 октябрдан шундай қила олади.

Меҳнат кодексига, Президентнинг 24.07.2012 йилдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» ПФ-4456-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2.02.2010 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1251-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 10-сон қарорига мувофиқ меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи<sup>1</sup> билан Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг<sup>2</sup> 2.5-бандига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Йўриқноманинг 2.5-бандига киритилган ўзгартиришга кўра иш берувчи ходимнинг талабига биноан меҳнат дафтарчасидан кўчирма ёки нусхаси тасдиқланган ҳолда беради.

**Ходимнинг ёзма равишдаги илтимосномасига кўра, қайтариб бериш шарт билан меҳнат дафтарчаси унинг эгасига 5 кундан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.** Бунда меҳнат дафтарчасига охириги иш жойи ва лавозими ҳақида киритилган маълумотларнинг тасдиғи сифатида ташкилот томонидан маълумотнома берилиши лозим.

Бу даврда мазкур йўриқномада белгилангандан ўзгача тартибда меҳнат дафтарчасига қўшимча ёзувлар киритиш, уни ўзгартириш, гаровга бериш ёки йўқ қилиш қатъиян ман этилади ва барча жавобгарлик ходимнинг зиммасига юклатилади.

Ушбу ўзгартириш 2012 йил 1 октябрдан кучга кирди.

## КАССАДА ОРТИҚЧА ПУЛНИНГ БЎЛИШИ

**Корхонамиз ходимларидан кассирнинг иши хусусида кўпгаб эътирозлар туша бошлади. Навбатдаги иш ҳақи берилиши пайтида кассада тафтиш ўтказилиб, ортиқча пул маблағлари борлиги аниқланди.**

**Ушбу ходимни ишдан бўшатиш мумкинми, агар мумкин бўлса, қайси модда бўйича?**

**А.Зиямухамедов,**  
**корхона раҳбари.**

– Кассада ортиқча пул маблағлари бўлиши меҳнат муносабатларини бекор қилиш учун етарли асос бўла олади.

Баён этилган ҳолда кассир бевосита пул қимматликларига хизмат кўрсатадиган ходимлар сирасига киради ва у билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида махсус ёзма шартнома тузилади (Меҳнат кодекси 203-моддасининг биринчи ва учинчи қисмлари, бундан кейин – МК).

Ходимнинг айбини белгилаш ва унга бўлган ишончнинг йўқолишига олиб келиши мумкин бўлган ғайриқонуний ҳаракатлар содир этганлиги далилини аниқлаш учун камида 3 кишидан иборат таркибда комиссия тузган маъқул. Комиссия тузиш тўғрисидаги буйруқда ходимларнинг фамилиялари ва лавозимлари, комиссия тузиш мақсади, санаси, унинг ваколатлари кўрсатилади.

Иш берувчининг ходимга (кассирга)

### Реклама



Электрон маълумотнома тизими

## КАДРЛАР БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИ

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:  
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч. 1/1, 6-қават.  
Тел. (998 71) 283-23-74.  
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ, эксперт-юристимиз.

<sup>1</sup>АВ томонидан 21.09.2012 йилда 402-7-сон билан рўйхатдан ўтказилган.  
<sup>2</sup>Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган.



## КОРХОНАДА ШАНБАЛИК ЎТКАЗИЛГАНДА

**Корхонамизда ҳар ойнинг охирида шанбалик ўтказилади. Корхонада 5 кунлик иш ҳафтаси белгиланган, шу сабабли, табиийки, ҳеч ким шанбада ишлашни хоҳламайди. Бироқ «ихтиёрий-мажбурий» тартибда ишга чиқишга тўғри келади. Узрли сабабларга кўра шанба куни келмаган ходимлар душанба куни ишдан кейин 2 соат қолишлари керак. Шу қонунийми?**

Хурмат билан Анна.

— Мазкур ҳолда маъмуриятнинг ҳаракатлари қону эмас.

Сир эмаски, баъзи корхоналар ходимларни «шанбаликлар»га «таклиф» қилишади. Тўғри, бу тез-тез қилинмайди (одатда байрамлар арафасида қилинади) ва душанба кунларига тўғри келмайди.

«Шанбаликлар» меҳнат қонунчилигида назарда тутилмаган. Сизга ҳозир таклиф этилаётгани дам олиш кундаги ҳақ тўланмайдиган меҳнат ёки иш вақтидан ташқари иш деб аталади. Ҳақ олиб ёки олмасдан ишлашни ўзингиз ҳал қиласиз. Сизни, албатта, мажбурлай олмайдилар, бироқ эҳтиром билан илтимос қилишлари мумкин. Агар иш ҳақингизнинг катта қисми мукофотдан иборат бўлса, бош тортишингиз сизга қимматга тушиши мумкин. Амалиётда кўпчилик ходимлар маъмурият билан ихтилофларга бормаслик учун «шанбаликлар»га чиқади, зеро бирининг ишдан жавоб олишига тўғри келиши, бошқасининг эса ёзда таътилга чиқиши керак бўлиши мумкин ва ҳоказо.

Ш болалари бўлган аёллар энага ёллаб (зеро болалар боғчалари одатда шанба кунлари ишламайди) ишга чиқишлари керакми ёки ишга болаларини ҳам олиб келсинларми?

Меҳнат кодексининг (МК) 7-моддасига кўра **мажбурий меҳнат**, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш **тақиқланади**.

Қуйидаги ишлар, яъни:

ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида;

фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда; суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан; қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди.

Ходимнинг меҳнат вазифалари мансаб йўриқномаларида, шунингдек меҳнат шартномасида аниқлаштирилади. Ҳатто дам олиш куни ишга чиқишга рози бўлганда ҳам, у супуриб-сидириш билан шуғулланмаслиги, балки ўз лавозими бўйича иш бажариши керак. Ходимнинг меҳнат вазифалари доирасидан ташқарига чиқадиган ҳар қандай меҳнат мажбурий меҳнат ҳисобланади.

Бундан ташқари, **дам олиш кундаги ишга камида икки баравар миқдорда ҳақ тўланиши керак**. Ҳақнинг аниқ миқдорлари жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касабга уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишган ҳолда белгиланади. Ходимнинг хоҳишига кўра байрам ёки дам олиш кунда ишлаш **дам олиш учун бошқа кунлар (отгул) берилиши билан компенсацияланиши мумкин**. Ходимнинг илтимоси билан ишдан ташқари вақтдаги иш ҳам ишдан ташқари вақтда ишланган соатлар миқдори билан ўлча-надиган миқдорда отгул бериш билан компенсацияланиши мумкин. Байрам ёки дам олиш кундаги иш ёхуд иш вақтидан ташқари вақтдаги иш отгул бериш билан компенсацияланганда меҳнат ҳақи **камида бир ҳиссалик миқдорда** тўланиши керак.

МКнинг 130-моддасига кўра **дам олиш кунларида ишлатиш тақиқланади**. Иш берувчининг фармойиши бўйича айрим ходимларни ишдан ташқари вақтда ёки



дам олиш кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина, жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, — иш берувчи томонидан касабга уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади.

Ходимлар дам оладиган кунлари МКнинг 220-моддаси бешинчи қисмида ва 228, 245-моддаларида белгиланган чеклашларга риоя этган ҳолда ишга жалб этилади.

Баъзи иш берувчилар ходимларнинг ўзлари кўпроқ ишлашга уринишлари: дам олиш кунлари келишлари, «шанбаликлар» уюштиришларини маъқуллайдилар. Бироқ дам олиш куни ходим корхона раҳбарининг оғзаки фармойишига кўра (расмий буйруқсиз) ишга чиқса ва жиддий жароҳат олса, нима бўлади? Бунинг учун иш берувчи жавоб беради.

**Маълумот учун:** бирор-бир шаклда меҳнатга маъмурий тарзда мажбур қилиш, қонун билан назарда тутилган ҳоллардан ташқари, энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан 3 бараваригача жарима солишга сабаб бўлади. Вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган худди шундай ҳуқуқбузарлик ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача жарима билан жазоланади (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддаси).

**Ахтам ҲИКМАТОВ,**  
адвокат.

## ИШДАН БЎШАТИШ УЧУН АСОС БЎЛАДИМИ?

бўлган ишончининг йўқолиши учун асос берадиган ҳаракатлар аниқланганда мазкур далилни ҳужжатлаштириш керак. Комиссия ишининг натижалари бўйича тафтиш далолатномаси тузилади, унда бундай ҳаракатлар батафсил баён этилади.

Ортиқча пул маблағлари пайдо бўлиши сабабларини аниқлаш учун ходимнинг ёзма тушунтириши бўлиши шарт. Ходим тушунтириш беришдан бош тортган ёки бўйин товлаган тақдирда тегишли далолатнома тузилади (МК 182-моддаси).

Агар кассадаги ортиқча пуллар касирнинг айби билан пайдо бўлиб, иш берувчи бундан кейин унга пул маблағларини ишониб топширишдан хавфсираса, у МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига асосан ходим ўзининг меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги учун, меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилиш ҳоллари учун назарда тутилган МК 100-моддасининг учинчи қисми, 101-моддаси, 102-моддасининг бешинчи қисми, 110, 151, 182-моддалари талабларини бажарган ҳолда ходим билан меҳнат муносабатларини ўз ташаббусига кўра бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

Бироқ шуни ёдда тутиш лозимки, агар корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари бўлмаса ёки бу қоидаларни қонунда



белгиланган тасдиқлаш тартиби (МКнинг 174-моддаси) бузилган бўлса ёхуд ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузиш деб ҳисобланиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар рўйхати ички меҳнат тартиб қоидаларида аниқ санаб ўтилмаган бўлса, МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига кўра ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинишига йўл қўйилмайди (Олий суд Пленумининг 17.04.1998 йилдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилиши тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида» 12-сон қарорининг 34-банди).


**Иш берувчи менинг пенсия ёшимни рўқач қилиб, штат қисқариши муносабати билан ишдан бўшатиладиган кейин ишга жойлашиш даврида менга ўртача иш ҳақини тўлашдан бош тортишга ҳақлими?**

А.Арзуманян.

## ИШДАН БЎШАТИШ САБАБЛАРИГА БОҒЛИҚ

— Агар сиз билан меҳнат шартномаси МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди бўйича **штат қисқариши муносабати билан**, ёшингиздан қатъи назар, бекор қилинган бўлса, иш берувчининг иш қидириш даврида ойлик ишдан бўшатиш нафақасини ҳисобга олган ҳолда ўртача ойлик иш ҳақи тўлашни рад этиши **ноқонуний** ҳисобланади.

**Иш қидириш даврида ўртача ойлик иш ҳақи** МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 7-банди бўйича **ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги**, қонун ҳужжатларига мувофиқ **ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда ишдан бўшатиладиган ходимларга тўланмайди** (МК 67-моддасининг биринчи қисми).



### Реклама



Ахборот-қидирув тизими

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИ

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:  
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1, 6-қават.  
Тел. (998 71) 283-23-74. E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

**Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ, эксперт-юристимиз.**



# ЧЕТ ЭЛЛИКЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНДА

**Ташкилотимиз чет эллик мутахассисни ишга таклиф қилишни режаштиряпти. Чет эллик мутахассис қандай ишга қабул қилинишини айтиб берсангиз.**

В.Назаров.



– Ўзбекистон Республикасига меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун келадиган чет эллик фуқароларни ишга жойлаштиришни тартибга соладиган асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом<sup>1</sup> (бундан кейин – Низом) ҳисобланади. ВМнинг 19.10.1995 йилдаги 408-сон қарорини амалга ошириш учун Меҳнат вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни қўллаш тартиби тўғрисида йўриқнома<sup>2</sup> (бундан кейин – Йўриқнома) тасдиқланган.

Юқорида айтилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан Ўзбекистонда чет эллик фуқароларни ишга қабул қилиш шартлари ва тартиби белгиланган, шу жумладан:

Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб этишга рухсатномалар (бундан кейин – рухсатнома) ўзбекистонлик юридик шахсларга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарга, шунингдек ўз шахсий ҳўжалигида ёлланган ходимлар меҳнатидан фойдаланувчи айрим ўзбекистонлик ва республика ҳудудида яшовчи хорижий жисмоний шахсларга берилиши (узайтирилиши);

чет эллик мутахассисларга Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолияти ҳуқуқига тасдиқномалар (бундан кейин – тасдиқнома) берилиши (узайтирилиши);

Низом талабларининг иш берувчилар томонидан бажарилиши устидан мониторинг амалга оширилиши;

Низомни бузганлик учун иш берувчилар ва чет эллик мутахассисларга таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиши;

иш берувчилар ҳисобининг юритилиши ва чет эллик мутахассисларнинг маълумотлар банки барпо этилиши.

Рухсатнома олиш учун иш берувчи Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентликка (бундан кейин – Агентлик) қуйидаги ҳужжатларни топширади:

ариза (раҳбар имзолаган ва ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган) – бир нусхада;

контракт лойиҳаси ва хорижий фуқаролар ёхуд чет эл фирмалари билан тузилган чет эллик мутахассисларни жалб қилиш мақсади ва шартлари тўғрисидаги олдиндан аҳдлашилганликини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар;

чет эллик мутахассисга берилган фотосуратли анкета;

рухсатномани расмийлаштириш ва бериш учун тўлов тўланганлиги ҳақидаги банк (касса) ҳужжати<sup>3</sup>;

ВИЧ-инфекция йўқлиги тўғрисида сертификат;

Агентликнинг талабига кўра бошқа зарур ҳужжатлар.

Иш берувчи ҳужжатларни берган кундан бошлаб 30 кун мобайнида Агентлик ҳужжатлар пакетини кўриб чиқади ва рухсатномаларни беради. Юқори тоифали

чет эллик мутахассисларга рухсатнома 15 иш кунидан ошмайдиган муддатга берилади<sup>4</sup>.

Иш берувчиларга рухсатномалар 1 йил муддатга берилади. Рухсатнома яна 1 йилга бир марта узайтирилади, шундан кейин янги рухсатнома олинishi керак.

**Олинган рухсатнома асосида иш берувчи хориждаги чет эллик фуқаро билан олдиндан меҳнат шартномаси тузиб, унда чет эллик мутахассисни жалб этмоқчи бўлган аниқ лавозимни кўрсатади.**

Шартномани иккала тараф имзолайди ва иш берувчи (ёки унинг ишончли шахси) қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тасдиқнома олиш учун Агентликка мурожаат қилади:

ариза (иш берувчи имзолаган ва ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган) – 2 нусхада;

чет эллик мутахассис анкетаси (раҳбар имзолаган ва ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган) – 2 нусхада;

чет эллик ходимни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жалб этиш нияти ва шартлари ҳақида иш берувчи билан олдиндан келишилганлигини тасдиқлайдиган меҳнат шартномаси лойиҳаси;

муҳр билан тасдиқланган раҳбарнинг мажбуриятлари;

3 x 4 см ўлчамда 2 фотосурат;

чет эллик ходимнинг миллий паспорти нусхаси (кириш визасининг амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолда);

иш берувчи томонидан аризада кўрсатилган лавозимга жалб этиладиган чет эллик ходимларда тегишли маълумот, малака ёки мутахассислик борлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

чет эллик ходимни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлашга жалб этиш мақсада мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ва аҳоли бандлиги бўйича ҳудудий органи хатлари;

амал қилаётган рухсатноманинг нусхаси (бундан ҳали рухсатномани олмаган ташкилотлар мустасно);

тасдиқномани расмийлаштириш ва бериш учун белгиланган тўловнинг тўланганлиги тўғрисида банк ҳужжати<sup>5</sup>.

Ҳужжатлар ҳар бири тўғри тўлдирилганлиги текширилганидан кейингина қабул қилинади. Қабул қилинган ҳужжатлар пакети йиғмажилдда расмийлаштирилади ёки юридик ёхуд жисмоний шахснинг рўйхатдан ўтказилган йиғмажилдининг мавжуд материалларига тиркалади.

Иш берувчилардан қабул қилиб олиш йиғмажилд материаллари бўйича Агентлик чет эллик фуқарога тасдиқнома беришнинг мақсада мувофиқлиги тўғрисида ички ишлар ҳудудий органининг фикрини сўрайди. Тасдиқнома рухсатноманинг

<sup>1</sup>ВМнинг 19.10.1995 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ҳамда хорижий фуқароларнинг республикадаги меҳнат фаолияти тўғрисида» 408-сон қарорига 2-илова.

<sup>2</sup>АВ томонидан 20.11.1996 йилда 285-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

<sup>3</sup>Рухсатнома ва тасдиқномани расмийлаштириш ҳамда бериш учун иш берувчидан тўлов – республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг 10 баравари ундирилади (Йўриқноманинг 25-банди).

<sup>4</sup>Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш ҳақида» буйруғи (АВ томонидан 13.11.2012 йилда 285-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

<sup>5</sup>Президентнинг 26.02.1999 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ПФ-2240-сон Фармонида 2-илова.

## ТОШКЕНТГА КЕЛСАНГИЗ – УЧАСТКА ИНСПЕКТОРИГА

**Мен Тошкентда яшайман. Уйимга Навоийдан қариндошларим (Ўзбекистон фуқаролари) келишмоқчи. Мен уларни рўйхатдан ўтказишим керакми? Агар керак бўлса, қаерда ва қанча муддатда?**

Ҳурмат билан Анвар.



– Ҳаммаси қариндошларингиз Тошкент шаҳрида қанча вақт бўлишларига боғлиқ. Агар улар Тошкентда 5 кундан кўп вақт турмоқчи бўлишмаса, хавотирланишга ҳожат йўқ. Агар бундан кўп вақт турмоқчи бўлишса, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомда<sup>1</sup> белгиланган тартибда ҳисобга туришлари керак.

Фуқарони Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш фуқарони доимий яшаш жойидан пропискадан чиқармасдан 5 кундан 6 ойгача муддатга (ўқиш учун таълим муассасасига келган шахслар учун – ўқиш даврига) амалга оширилади. Бунда **доимий яшаш жойидан ҳисобдан чиқиш керак эмас**. Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятидаги меҳмонхоналарга, даволаш муассасаларига, санаторийлар, дам олиш уйлари ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларга келган фуқароларни ҳисобга олиш ушбу муассасаларнинг маъмурияти томонидан, улар келганларидан кейин улар-

нинг бу ерда бўлиш муддатидан ва келишининг даврийлигидан қатъи назар, амалга оширилади.

Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида ҳисобда туриш учун фуқаро келган кундан бошлаб 5 кун муддатда ўзи вақтинча турган жойдаги милиция таянч пунктига (МТП) қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

республика ИИБ томонидан белгиланган шакл бўйича ариза;

паспорт;

контракт бўйича ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки Куролли Кучлар офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар, корабллар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

16 ёшга тўлмаган шахслар учун – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва 35 x 45 мм ўлчамли иккита фотосурат;

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги);

турар жой учун ҳужжатларнинг нусхалари;

ҳисобга олинганлик учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган энг кам иш ҳақининг 2%и миқдорид<sup>2</sup> давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

МТПнинг профилактика инспектори (участка инспектори) ариза рўйхатдан ўтказилгандан, шунингдек тақдим этилган ҳужжатлар ўрганиб чиқилгандан ва белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан кейин ўша куннинг ўзида ариза берувчига Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида турган жойида ҳисобга олиш тўғрисида фуқаронинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатга қайд варағи беради.

Ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағи фуқаронинг турган жойида ҳисобга олинганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади ва паспорт, ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган шахслар учун) кўрсатилган тақдирда унда кўрсатилган муддат мобайнида ҳақиқийдир.

**Ариза берувчининг паспортида ва турар жойининг уй дафтарида (прописка карточкасида) ҳисобга олиш тўғрисида белги қўйилмайди.**

**Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига ҳисобга қўйилган фуқаро ҳисобга олиш жойида яшаши керак. У ҳисобга олиш муддатидан ошмайдиган даврга вақтинча ишга жойлашишга ҳақли.**

Ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағи эҳтиётсизлик сабабли йўқолган ёки бузилган тақдирда фуқаро тегишли милиция таянч пунктига ўз шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатни тақдим этган ҳолда қайд варағи йўқолиши ёки бузилиши ҳолатларини кўрсатиб, ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағининг дубликатини расмийлаштириш тўғрисидаги аризани тақдим этади. Ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағи дубликати шу кунгидея расмийлаштирилиши керак.

Фуқароларни нотурар жойларга ҳисобга олишни расмийлаштириш тақиқланади.

Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлмаган ёки ҳисобга олинмаган фуқароларнинг яшаши учун турар жой майдони тақдим этадиган уй-жой мулкдори турар жой майдони берилган кундан бошлаб 5 кун мобайнида ушбу шахслар тўғрисида ички ишлар органларини хабардор қилиши шарт.

<sup>1</sup>ВМнинг 16.02.2012 йилдаги 41-сон қарорига 1-илова.

<sup>2</sup>Давлат божи ставкаларининг 7-бўлими (ВМнинг 3.11.1994 йилдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган).

<sup>3</sup>ВМнинг 16.02.2012 йилдаги 41-сон қарорига 2-илова.



# ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ

амал қилиш муддатига берилади.

Ўзбекистон Республикаси чет эллик ходимнинг фуқаролиги бўлган мамлакат билан виза режимини ўрнатган бўлса, унинг Ўзбекистон ҳудудига меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида кириши учун меҳнат визасини расмийлаштириш зарур, у тасдиқнома олингандан кейингина берилади.

Ўзбекистонга юридик шахсларнинг ифлари бўйича келмоқчи бўлган чет эллик фуқаролар виза олиш учун Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасасига мурожаат қилишлари керак. Бунда юридик шахслар чет эллик фуқароларга таклифномаларни республика ТИВга виза ёрдамни кўрсатиш тўғрисида илтимоснома бергандан кейингина юборадилар. ТИВ уларнинг ёзма мурожаатларини кўриб чиқиб, хориждаги консуллик муассасаларига тегишли кўрсатмаларни юборади.

Виза ёрдами кўрсатиш бўйича консул-

лик бошқармаси 10 сутка мобайнида чет эллик мутахассисларга тасдиқноманинг амал қилиш муддатига меҳнат визаси беради. Агар чет эллик фуқаро Ўзбекистонга муддати ўтган виза билан келган ёки ички ишлар органларида 3 кундан кўп муддат давомида рўйхатдан ўтмай, бунга дам олиш ва байрам кунлари кирмайди, яшаётган бўлса, тасдиқнома берилмайди. Агентлик ...агар чет эллик фуқаро мамлакатимизга туристик меҳмон визаси бўйича ёки «ёлланиб ишлаш ҳуқуқисиз» ёки «EXIT» белгиси қўйилган виза бўйича келган бўлса ҳам, тасдиқнома беришдан бош тортиши мумкин.

Агентлик тасдиқномани бериш ёки рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтиришдан бош тортган ҳолларда ТИВнинг Консуллик бошқармаси ҳам меҳнат визасини беришдан бош тортади ёки илгари берилган визаларнинг амал қилиш муддатларини қисқартиради.

Тасдиқнома олган чет эллик фуқаро-

лар бошқа иш берувчида меҳнат фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмаслар. Бунда бир иш берувчига берилган рухсатномани бошқа иш берувчига бериш тақиқланади.

Меҳнат кодексининг (бундан кейин – МК) 11-моддасига кўра меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ишлаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам татбиқ этилади. Яъни улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда меҳнат ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва мажбуриятларга эга бўладилар.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ишга жойлашиш мақсадида келган чет эллик фуқароларни ишга қабул қилаётганда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

ишга тушаётганда чет эллик мутахассис, МКнинг 80-моддасида саналган ҳужжатлардан ташқари, рухсатнома асосида олинган тасдиқномани тақдим этиши керак;

чет эллик фуқарони ишга қабул қилиш

тўғрисидаги буйруқ Ўзбекистон фуқаролари учун белгиланган тартибдагидек чиқарилади. Бироқ чет эллик ходимларни ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқни расмийлаштиришнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

1) Ўзбекистонга ишга жойлашиш мақсадида келган чет эллик фуқароларнинг меҳнат фаолияти муддати рухсатнома амал қилиши (1 йил) давридан ошмаслиги керак, шу сабабли ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда ҳам, меҳнат шартномасида ҳам меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати (ишни бошлаш ва тугатиш санаси) кўрсатилиши керак. Яъни чет эллик фуқаро билан рухсатнома ва тасдиқноманинг амал қилиш муддатига фақат муддатли меҳнат шартномаси тузилиши мумкин;

2) чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруққа асосан меҳнат шартномасидан ташқари, рухсатнома ва тасдиқноманинг тартиб рақамлари ва берилган саналари ҳам кўрсатилиши керак.

**Бизнинг МЧЖ – ташқи савдо компанияси директори ишдан бўшади, муассис Ўзбекистонда доимий яшовчи чет эллик фуқарони ишга қабул қилмоқчи. Бундай ходимни чет эллик фуқароларни қабул қилиш учун қиладиган рухсатномасиз доимий ишга қабул қилиш мумкинми?**

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудига доимий яшовчи чет эллик фуқаролар (бундан кейин – чет эллик фуқаролар) Ўзбекистон фуқаролари учун белгиланган тартибдагидек ишга қабул қилинадилар. Чет эллик фуқароларнинг мазкур тоифасига Низомнинг меъёрлари татбиқ этилмайди. Уларнинг ишга жойлашиши учун мамлакатимиз иш берувчисининг хорижий ишчи кучини жалб этишга олдиндан рухсатнома олиши, чет эллик ходимга эса Ўзбекистонда меҳнат фаолияти ҳуқуқига тасдиқнома олиши талаб қилинмайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, МКнинг 11-моддасига кўра, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари меҳнат шартномаси бўйича мамлакатимиз ҳудудига ишлаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам татбиқ этилади. Ушбу меъёр чет эллик фуқаро ва Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг меҳнат ҳуқуқларида тенглигини белгилайди. Бундан ташқари, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрирда) 1-моддасининг тўртинчи қисми билан белгиланишича, аҳолини иш би-

лан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон фуқароларига, шунингдек республика ҳудудига доимий яшаб келаётган чет эл фуқароларига татбиқ этилади. «Доимий яшаб келаётган» тушунчаси чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларда яшаш гувоҳномасининг бўлишини тақозо этади. Чет эллик фуқароларга яшаш гувоҳномаси бериш тартиби Хорижий шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳнома, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳнома ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги низом<sup>5</sup> билан тартибга солинади. Ушбу Низомнинг 17-бандида яшаш гувоҳномасининг амал қилиш муддатлари белгиланган. Хусусан, хорижий шахслар учун яшаш

гувоҳномаси 5 йил муддатга берилади, аммо хорижий давлат паспортининг амал қилиш муддатидан ошмаслиги керак, 60 ёшга тўлганда эса – хорижий давлат паспорти амал қиладиган бутун муддатга берилади.

Шу тариқа, сизнинг МЧЖ муассислари (иштирокчилари) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига доимий яшайдиган чет эллик фуқарони директор лавозимига, яшаш гувоҳномасининг амал қилиш муддатига меҳнат шартномаси тузган ҳолда, тайинлашга ҳақлилар. Шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, Ўзбекистонда доимий яшайдиган чет эллик фуқаро ишга қираётганда МКнинг 80-моддасида саналган ҳужжатларни, шунингдек яшаш жойидаги ички ишлар органлари томонидан берилган яшаш гувоҳномасини тақдим этиши керак.

Павел СИЛЬНОВ, адвокат.

## УЧРАШИНГ

### Реклама

**CAPITAL REALTOR GROUP mas'uliyati cheklangan jamiyati** Бухоро филиали барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очик танлов савдоларига таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун жисмоний ва юридик шахсларга қуйидаги ер майдонларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдоларига қўйилмоқда.

1. Савдо маиший хизмат кўрсатиш ва тўй маросимлари ўтказиш биноси қуриш учун Шофиркон туман Мирзқўл ҚФЙ Мирзқўл қишлоғи ҳудудига жойлашган 800 м²дан иборат 1 дона ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 3 444 480 сўм.

2. Маиший хизмат кўрсатиш биноси ва китоб дўкони қуриш учун Шофиркон туман Боғиофзал ҚФЙ Боғиофзал қишлоғи ҳудудига жойлашган 100 м²дан иборат 1 дона ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 3 444,5 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми, шакллари ва шартлари Шофиркон туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган топшириқ асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Танловда қатнашиш учун талабгор буюртма хат билан танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади.

Юридик шахс мақомига эга бўлган талабгор учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Жисмоний шахс мақомига эга бўлган талабгор учун – паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Танлов тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закат пулининг хабарномада кўрсатилган танлов ташкилотчисининг ҳисобрақамига ўтказилганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилган, муҳрланган конвертлардаги икки нусхадаги танлов таклифи. Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри (юридик шахслар учун) ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танловда қатнашиш учун талабгорлардан буюртманомалар ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) қабул қилинади ва буюртманомаларни қабул қилиш Шофиркон туман учун 2013 йил 4 январь кунлари соат 18.00 да тўхтатилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорларнинг таклифлари Шофиркон туман ҳокимлиги биносида 2013 йил 7 январь куни соат 11.00 да очилади ва 2013 йил 7 январь куни соат 15.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Танлов комиссияси томонидан танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ энг юқори таклиф билдирган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорларга уларнинг сўровлари бўйича, энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги тўлов эвазига танлов ҳужжатлари тақдим этилади.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закат пуллари тўланиши учун танлов ташкилотчиси банк реквизитлари: ХХТУТ 83300, СТИР 207126662, МФО 00119 Ипотекабанк Сардор филиалидаги х/р: 20208000904927571004.

Буюртманомаларни топшириш ёки танлов ҳужжатларини олиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

Танлов ташкилотчиси – CAPITAL REALTOR GROUP масъулияти чекланган жамияти, Бухоро филиали.

Манзил: 200100, Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Лицензия ЯН 0017, тел.: 8 365 223-29-97, 223-48-87.

E-mail: buhapb@rambler.ru.

Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик, 10-уй, тел.: 223-29-97, 223-48-87. Лицензия: серия рақами 0017.

Ленара ХИКМАТОВА,  
юрист.



## ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ – ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Мамлакатимиз Конституциясида истеъмолчилар ҳуқуқи устунлиги кафолатлангани юртимизда инсон манфаатлари амалда таъминланаётганининг муҳим далилидир. 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга кўра, давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланишдаги ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Мамлакатимизда ушбу Қонун ижросини таъминлаш борасида жамоат ташкилотлари ҳам изчил ишлар олиб бормоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 28.11.2002 йилда қабул қилинган «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 414-сон қарори бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Истеъмол хавфсизлиги – мустаҳкам, соғлом оилани шакллантириш гарови» мавзuida ташкил этилган матбуот анжумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар самараларига бағишланди.

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раисининг ўринбосари Акмал Эргашев мамлакатимиз истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси тизимида бугун 14 ҳудудий бирлашма, 195 туман ва шаҳар жамиятлари фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, маҳаллаларда, корхона, ташкилот ва муассасалардаги 9 мингдан ортиқ таянч гуруҳларининг аъзолари 500 минг нафардан зиёддир.

Федерациянинг кўплаб давлат ва жамоат ташкилотлари билан изчил ҳамкорлиги савдо-сотиқ, коммунал, алоқа, жамоат транспорти ва бошқа хизматлар сифати юзасидан аниқланаётган камчиликларни бартараф этиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда яхши самара бераётир. Жорий йилнинг ўтган даврида истеъмолчилардан 7 203 шикоят ва ариза тушди. Ўз вақтида кўрилган зарур чора-тадбирлар самарасида истеъмолчиларнинг 1,7 млрд сўмдан ортиқ маблағи ундириб берилди.

**ЎЗА материали асосида тайёрланди.**

### Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ

|                              |                              |                    |                   |
|------------------------------|------------------------------|--------------------|-------------------|
| Федерация                    | 8 (371) 241-81-88, 241-57-69 | Наманган вилояти   | 8 (369) 226-96-14 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 8 (361) 222-92-91            | Самарқанд вилояти  | 8 (366) 231-01-72 |
| Андижон вилояти              | 8 (374) 224-02-68            | Сурхондарё вилояти | 8 (376) 223-38-85 |
| Бухоро вилояти               | 8 (365) 223-85-85            | Сирдарё вилояти    | 8 (367) 225-34-78 |
| Жиззах вилояти               | 8 (372) 226-32-33            | Тошкент вилояти    | 8 (371) 236-28-61 |
| Қашқадарё вилояти            | 8 (375) 221-10-31            | Фарғона вилояти    | 8 (373) 224-98-88 |
| Навоий вилояти               | 8 (436) 223-03-21            | Хоразм вилояти     | 8 (362) 224-31-79 |
|                              |                              | Тошкент шаҳри      | 8 (371) 276-90-46 |

## МУҲР БЎЛИШИ КЕРАК!

Яқинда маиший техника дўконида дазмол сотиб олдим. Менга товар чеки беришди, бироқ кафолат талонида дўкон муҳри қўйилмаган, сотувчининг айтишича, ушбу фирманинг дазмолларига бир йил кафолат берилади. Мазкур ҳолда кафолат талони ҳақиқий саналадими? Агар ҳақиқий бўлмаса, нима қилишимни маслаҳат берасиз?

Тимур.


– Қонун 11-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларига биноан узоқ муддат фойдаланиладиган барча турдаги товарлар ва хизматларга ижрочи (сотувчи) кафолат муддати белгилаши лозим. Кафолат муддати товар истеъмолчига сотилган ёки хизмат кўрсатилган кундан бошлаб ҳисобланади ҳамда товар (хизмат)нинг паспортида ёки товарни сотиш ёхуд хизмат кўрсатиш пайтида товар билан

биргаликда истеъмолчига бериладиган бошқа ҳужжатда кўрсатилади.

Мазкур ҳолда Фуқаролик кодекси (ФК) 369-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ чакана олди-сотди шартномаси оммавий оферта деб эътироф этилади. Шу тариқа, Қонун 8-моддасининг учинчи қисми ва ФК 426-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ сиз оммавий оферта шартномасини тузган-

сиз, унда товар тўғрисида маълумот берилиб, кафолатли хизмат кўрсатиш муддати – 1 йил эканлиги айтилган. Мазкур шарт яна шу сабабли ҳам юридик кучга эгаки, сизга ушбу муддатни сотувчининг ваколат олган вакили белгиланган, буни сизга берилган товар чеки ва кафолат талони ҳам тасдиқлайди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, сиз сотувчидан талонда кафолат муддатини кўрса-



тиш ва унда белгиланган давр мобайнида кафолат хизматини кўрсатишни талаб қилишга ҳақлисиз. Шунингдек эҳтимолий ихтилофларни бартараф этиш учун биз берилган кафолат талонига муҳр қўйиш талаби билан сотувчига мурожаат қилишингизни тавсия

этамиз. Кафолат хизмати кўрсатишдан ёки талонга муҳр қўйишдан бош тортилган тақдирда сиз давлат божини тўлашдан озод қилинган ҳолда ўз қонуний манфаатларингиз ҳимоя қилиниши учун судга мурожаат қилишга ҳақлисиз (Қонуннинг 29-моддаси).

Алексей НИЯЗМЕТОВ, адвокат.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

**НОРМА МАСЛАХАТЧИ**

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР  
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100105, Тошкент ш.,  
Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
Тахририят тел. 283-44-27  
Обуна бўлими тел. 200-00-30

E-mail: gazeta@norma.uz,  
normapress@mail.ru

www.norma.uz  
Нашр учун масъул:  
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келавермайди.

Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Норма» газеталари бирлашган тахририяти» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «ТОРПРИНТ» МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).

Индекс – 186 Буюртма 635 Адади 2 744. Баҳоסי келишилган нархда

Газета 2012 йил 10 декабрда соат 18.00 да топширилди.

ISSN 2010-5223